
Туман ҳокими фахрий ҳарбий хизматчининг хонадонига ташриф буюрди

2000 йил, август ойи. Юртимизда мустақилликнинг 9 йиллигига тайёргарлик кўриляётган кунлар. Кутилмаганда, республикамизнинг жанубий сарҳади – Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманлари орқали бир гуруҳ жангарилар қуролли ҳужум уюштирди. Тўғри, жангарилар йўқ қилинди. Бироқ, кўплаб ўзбек ўғлонлари – ўн гулидан бир гули очилмаган йигитларимиз шаҳид кетдилар, кўплаб йигитлар бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолдилар. Улар орасида Илёсжон Йигиталиев ҳам бор.

Самарқанд қишлоғидаги 5-мактабни тамомлаган Илёсбек 1998 йилда армия хизматиغا қақирилди. Бир йиллик муддатли хизмат ниҳоясига етказ, ўз хоҳиши билан шартнома асосида хизматни махсус батальонда давом эттира бошлади.

- Янглишмасам, 2000 йилнинг 1 август куни эди. Тунда махсус тревога орқали бутун батальон оёққа турғазилди, - дея эслайди Илёсжон. - Маълум бўлишича, бир гуруҳ жангарилар чегарани бузиб ўтишган экан. Воқеа жойига етиб борганимизда “тақур-туқур” отишмалар бошланиб кетди. Шу отишмаларнинг бирида ўнг оёғимдан қаттиқ яраландим. Яқин бир йил госпиталда ётдим. Даволанишлар натижа бермагач, оёғимни кесиб ташлашди. Уйдан икки оёқда чиқиб кетиб, бир оёқда кириб келиш осонмас экан. Аввалига тушкунликка тушдим. Бироқ, ота-онамнинг, яқинларим, дўстларимнинг далдалари ва албатта, Ватан ҳисси яшашга, ҳаётга бўлган ишончимни, муҳаббатимни оширди. Гарчи бир оёғимдан ажралган бўлсам-да, бундан асло афсусланмайман, аксинча ғурурланаман. Бизни улғайтирган, тарбиялаган юрт учун ҳар қанча хизмат қилсак, арзийди.

Илёсжон бир оёғидан ажралган пайтида навқирон 22 ёшда эди. Орадан йиллар ўтди. Бугун мўъжазгина оиланинг соҳиби. Ҳар қадамда унга далда ва меҳр берувчи рафиқаси, фарзандлари бор. Бировдан кам жойи йўқ. Ҳокимлик, мудоффа ишлари бўлими ва бошқа мутасадди идоралар унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида ҳам улар Илёсжоннинг хонадонига ташриф буюришиб, байрам билан табриклашди, совға-саломлар топширишди.

- Биз жангчи фахрийларга кўрсатиляётган доимий эътибор учун давлатимизга, муҳтарам Юртбошимизга катта раҳмат. Камтарона хизматим муносиб рағбатлантириляётганидан чексиз миннатдорман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, - дейди Илёсжон.

Албатта, Илёсжон Йигиталиев гарчи тақдир тақозоси билан бир оёғидан ажралган бўлса-да, бугунги ҳаётдан мамнун. Чунки, бу ёруғ дунёда тирикликнинг ўзи катта бахт! Ён-атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббатини қозониб яшаш – саодат!

Туман ҳокими Юсуфжон Хусаинов фахрий ҳарбий хизматчи билан дилдан суҳбатлашиб, унга соғлиқ-саломатлик, мазмунли умр ва бахт-саодат тилади.

Қишлоқдаги 5-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари томонидан адабий-бадий тадбир намойиш қилинди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-05-08 16:08:29